

СЕКЦИЯ 2. ПЛЕМЕННАЯ РАБОТА И КОРМЛЕНИЕ В ЖИВОТНОВОДСТВЕ

СИММЕНТАЛ ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ ЁШИ КЕСИМИДА ТАНА ЎЛЧАМЛАРИ

Турганбаев Р.У., Эркинова Г., Уразимбетова Ш. А.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация. Ушбу мақолада симментал зотли сигирларнинг ёши кесимида тана ўлчамлари келтирилган бўлиб, уларнинг ёши кесимида ўзгариши тўғрисида маълумотлар берилган ва хулосалар қилинган.

Калит сўзлар. Зот, ёши, тана тузилиши, ўлчамлари, фарқланиши.

Кириш. Жаҳонда турли ишлаб чиқариш типигаги симментал зотли сигирлар сут маҳсулдорлигининг юқорилиги, елини машина соғимига мослашганлиги, истеъмол қилган озуқани сут билан қоплаш даражаси юқорилиги билан ажралиб туради.

Симментал зотли сигирлар тўлиқ баланслашган озуқа билан таъминланишда йилига 6000-6500 кг-гача сут маҳсулдорлигига эга [1].

Симментал зотли насли буқалар сут йўналишидаги бошқа зотли сигирлар билан жуфланганда сутбоп подаларнинг сифатини 2-3 баробарга ошириш имконини беради.

Ушбу зотга мансуб сигирларини қорақалпоғистон республикасида урчитиш, уларнинг ташқи муҳит омилларига мослашишини ўрганиш, уларнинг маҳсулдорлик имкониятларидан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сут ва гўшт ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда [2, 3].


2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121 сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора тadbирлари тўғрисида» ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли мёърий ҳуқуқий ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасида сут ва гўшт йўналишидаги зотлардан айниқса, симментал зотли сигирлардан фойдаланиш самарали эканлиги далилланмоқда. Шу боис ушбу зотга мансуб сигирларнинг маҳсулдорлиги, мослашувчанлиги озуқани қоплаш даражасини ўрганиш долзарб муаммолар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида симментал зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва мослашувчанлик хусусиятларини турли омилларга боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Сифатида Қорақалпоғистон Республикасида урчитилаётган симментал зотли сигирлар ва улардан олинган сут маҳсулотлари олинган.

Тадқиқот натижалари. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ўсиб-ривожланиши экстерьер кўрсаткичлари билан чамбарчас боғлиқдир.


Сабаби, ҳайвонларни конституциясига бўйича баҳоланганда экстерьер кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг тадқиқот ишларимизда сигирларнинг экстерьерини ёши кесимида аниқлаш ва уларнинг махсулдорлик йўналишини, танасининг мутаносиб ривожланганлигини баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга. Бизнинг тажриба ишларимиздаги экстерьер кўрсаткичлари қуйидаги 1-расмда ўз аксини топган.



1-расм. Симментал зотли сигирларнинг ёши кесимида тана ўлчамлари, см.

Ушбу 1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, сигирларнинг ёши кесимида тана ўлчамлари фарқланади. Ёши ошган сари тана ўлчамлари ошиб борган ҳолда, яғрин баландлиги 3-ёшли сигирларда 130,8 см-ни ташкил қилган бўлса, 5-ёшли сигирларда 132,4 см-га тенг бўлди. Думғаз баландлиги шунга мос равишда 134,9 ва 136,7 см-га, қўқрак чуқурлиги эса, 70,2 ва 70,9 см-га тенг бўлди.

Қўқрак кенглиги 3-ёшли сигирларда 50,7 ва 51,1 см бўлган бўлса, қўқрак айланаси 203,6 ва 205,6 см-ни ташкил қилди. Умуман хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, симментал зотли сигирларнинг ёши кесимида ўсиб ривожланиши мўър асосида бўлган. Ёши кесимида 5-ёшли сигирларнинг 3-ёшар сигирларга нисбатан фарқланиши аниқ сонларда фарқланиши 2-расмда келтирилган.



2-расм. 3-ёшли сигирларга нисбатан 5-ёшли сигиирларнинг тана ўлчамлари бўйича фарқланиши

2-расм маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, симментал зотида мансуб сигирларнинг тана тузилиши бўйича олинган маълумотларда 3-ёшдан 5-ёшгача бўлган даврда тана тузилиши кўрсаткичлари бўйича фарқланишлар мавжуд бўлиб, кўкрак айланаси ва думгаза баландлиги кўрсаткичларида шунга мосравишда, 2,0 см ва 1,8 см-га тенг бўлди. Симментал зотли сигирлар ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари бўйича мёёр даражасида бўлганлигини ифодалайди.

Хулоса. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида симментал зотли сигирларнинг тана тузилиши бўйича кўрсаткичлари зотга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва яхши мослашувчанлик хусусиятларини намоён қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аширов М.И., Соатов У.Р. Связ селекционных признаков с типами телосложения коров. Ж. “Зооветеринария” Тошкент, 2016, №3, с. 25-27.
2. Гилюян Г., Мурадян А.М. Взаимосвязь экстерьера с продуктивностью у кавказских бурых коров. // Зоотехния. Москва, 2006. - №7. - С. 7-9.
3. Голубков А. И., Никитина М. М. Симментальский скот немецкой селекции в условиях Хакасии // Достижения науки и техники АПК. 2013. №6. С. 65-67.